

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

### Доцентлар

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Фармакология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Коммунал ва меҳнат гигиенаси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал жарроҳлик №2” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия №1” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Болалар касалликлари №1” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Отоларингология ва стоматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Нерв касалликлари” кафедраси

### Катта ўқитувчилар

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Одам анатомияси ва ОЖТА” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Патология” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Тери-таносил касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Фтизиатрия” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб бир ойда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

### Ассистентлар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия №2” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал жарроҳлик №2” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрорарроҳлик №1” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Ички касалликлар №1” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Ички касалликлар пропедевтикаси ва гематология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Отоларингология ва стоматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Хирургик касалликлар” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Акушер-гинекология №1” кафедраси



**ТМА.UZ сайтнинг “МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ПОРТАЛИ” да “ТАЛАБА ИЖОДИ” рубрикаси ташкил этилганлиги муносабати билан Тошкент Тиббиёт академиясининг барча ижодкор талабалари ва магистрларини ижод намуналарини (шеърлар, ҳикоялар, очерклар ва ҳ.к) сайтимиз орқали эълон қилиб борамиз.**

**Ушбу рубрикада 2 йўналиш мавжуд:**

1. Талаба ижодига мансуб ҳикоялар
2. Талаба ижодига мансуб шеърлар

Агарда, сизнинг ҳам ижодкорона кўлэзмаларингиз бўлса, уларни бевосита ТТА маънавият ва маърифат портали орқали ўз мухлисларингизга таништириб боришингиз мумкин. Бунинг учун маънавият ва маърифат бўлимига мурожаат қилинг. Шу билан бир қаторда ижод намуналари академиянинг “Тиббиётнома” газетасида ҳам чоп этилади.

**ТТА маънавият ва маърифат бўлими**

**Тел: (99871) 150-78-03**

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahilalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir

Topshirish vaqti: 14.00



# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 4 2017 YIL 25 APREL



**Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли академик лицей мажлислар залида шифокор, олим, ихтирочи, педагог, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Турғунўлат Обидович Даминовнинг ТТА талабалари билан давра суҳбати бўлиб ўтди.**

## САЛОМАТЛИК САРИ ҚАДАМ

### СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Тошкент Тиббиёт педиатрия институти томонидан олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган спартакиадада ТТА даволаш факультети оториноларингология, стоматология кафедралари ходимлари муносиб иштирок этишди.**

Мусобақа ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, бу орқали бўш вақтларини сермазмун ўтказишларига қўмақлашиш мақсадида ўтказилди. Мусобақада Тошкент Тиббиёт академияси ректори, профессор Л.Тўйчиев ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари иштирок этди.

Қизиқарли беллашувларга бой тарзда кечган мусобақада голиб ва совриндорлар аниқланди. Қувонарлиси Академиянинг отоларингология ва стоматология кафедраларининг ходимлари футбол бўйича беллашувларда 2-ўринни эгаллашди. Баскетбол мусобақасида ҳам уларга 2-ўрин насиб этди.

Голиб ва совриндорларга диплом ва фахрий ёрликлар топширилди.

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ХАЛҚИМИЗНИНГ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАШ ПОЙДЕВОРИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг қуйидаги бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси белгилаб берилди.**



Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.

Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, мамлакатимизда йилларга берилган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича Давлат дастури қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.


Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир. Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сайловолди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожланишнинг концептуал масалалари киритилди.

“Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, умумий ўрта таълим, ўрта ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

(Давоми 2-бетда.)



**Ҳалол меҳнатдан яхши фазилат йўқ**



## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ХАЛҚИМИЗНИНГ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАШ ПОЙДЕВОРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, 7 та туман тиббиёт бир-лашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматни 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида белгиланган вазифаларни амалда татбиқ қилишда, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тартибда ўргатиш, таълим ва ўқитиш сифатини оширишда муҳим

аҳамиятга эгадир. Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб 2017 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегияси ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш вазифаларини ҳам белгилади. Жумладан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлий ривожланган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, ижодий ва интеллектуал ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим битирувчиларини ишга жойлаштириш, хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар

учун муносиб уй-жойда ижтимоий маиший шароитларни яратишдан иборат. Мазкур стратегия лойиҳаси кенг халқ муҳокамасидан ўтказилгани, турли соҳа вакиллари бўлган юртдошларимиз уни такомиллаштиришда фаол иштирок этгани унинг ҳар жиҳатдан пухта, ҳаётий, энг муҳими, халқимизнинг орзу-истакларига монанд бўлишига замин яратади. Жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1,3 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар тушгани, улар асосида Давлат дастурининг 41-банди қайта қўриб чиқилгани фуқаролар юксак фаоллик кўрсатганини тасдиқлайди.

**Ш.ЮНУСОВА,**  
ТТА қошидаги академик лицей ижтимоий фанлар кафедраси мудири

## ШАРОФ РАШИДОВ ЁЗУВЧИ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

**Шароф Рашидов (1917-1983) йилларда яшаб ижод қилди. Шу йиллар оралиғида ўзининг ишчанлигини намоеън эта олди. У 1935 йил Жиззах педагогика техникумини тамомлади. 1941 йилда эса СамДУнинг филология факультетини тугатиб, Самарқанд вилояти газетасида масъул муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият юритди. 1944-1947 йилларда Ўзбекистон КП Самарқанд вилояти котиби, 1947-1949 йилларда эса “Қизил Ўзбекистон” газетасининг муҳаррири бўлиб, 1949-1950 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, 1950-1959 йилларда эса Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси, 1959-1983 йилларда Ўзбекистон КП МК Биринчи котиби, 1961-1983 йил КПСС МК Сиёсий бюроси Президиуми аъзоси сифатида фаолият олиб борди. Унга 1974-1977 йилларда 2 марта Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.**

Ш. Р. Рашидов адабиётга шоир сифатида кириб келди. Унинг йирик асари “Чегарачи” дostonи 1937 йилда нашр қилинди. Чоризмга қарши кураш туйғулари билан суғорилган “Қаҳрим” шеърлар тўплами эса 1945 йилда чоп этилди. У фаолияти давомида мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун бўз ерларни ўзлаштириш мавзусида “Ғолиблар” қиссасини ёзди. Унинг илмий, бадиий фаолияти давомида диққатга сазовор ишлар амалга оширилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ш. Р. Рашидов халқ ва мамлакат ҳаётида рўй берган воқеаларни давлат арбоби сифатида мушоҳада этиб, адабиётнинг бадавийлик мезонларидан кўра ғоявийлик тамойилига кўпроқ эътибор берди. Жумладан ўзининг фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга лирик қиссаси ҳинд халқ афсонаси асосида ёзилган “Кашмир кўшиғи”дир. Бу лирик қисса алоҳида ўринни эгаллайди.

У Республикага раҳбарлик қилган йилларида қатор бунёдкорлик ишлари билан бирга қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларни амалга оширди. Жумладан, ерлардан ноқиллона фойдаланиш оқибатида экологик вазиятнинг бузилиши, пахта яккахокимлигининг қарор топиши каби нохуш ҳолатлар юз бериши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Бу эса унинг кейинчалик Марказ томонидан талитар тузумнинг барча кирдикорлари унга юкланиб, 1980 йилларда ноҳақ қораланди. Бироқ Марказ томонидан унинг

номига айтилган фикрлар унчалик ҳам асосли эмас эди. Бунинг асосиз эканлигини, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Қаримов ташаббуси билан Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг қамровли нишонланди. Давлатимиз раҳбари унинг фаолияти алоҳида ҳурмат қилиниши таъкидлади. У ўз даврининг ақл, илм, сиёсатчиси сифатида фаолият олиб борди. Унинг томонидан Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройи (ҳозирги Истиклол саройи)нинг меъморий мажмуаси учун қурилиш ғоясининг муаллифи ва ижодий раҳбари сифатида вафотидан сўнг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланди. 1994 йил Тошкент ва Жиззах шаҳридаги кўчалар, маҳаллаларга унинг номи берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ш. Р. Рашидовнинг 100 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида 2017 йил 27 март қарорини имзолади. Унга кўра Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида унинг фаолиятига доир учрашувлар, тадбирлар ўтказиш лозимлиги белгилаб қўйилди. Тошкент Тиббиёт академиясида қарор ижросини таъминлаш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

**Д. НОРҚУЛОВ,**  
Турон ФА академиги, ТТА профессори  
**Ш. ИСКАНДАРОВ,**  
ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

**Дунё яралибдики, тинчлик-осойишталик инсоният учун тенгсиз неъмат бўлиб келмоқда. Чунки, биринчи галда осуда ҳаёт, яратувчан меҳнат ва фаровонлик, умуман, барча эзгу мақсадларнинг рўёби энг аввало шу неъматга боғлиқ. Аммо азалдан яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик каби нисбий кучлар бўлганидек, инсон ҳаётига раҳна солувчи офатлар ҳам мавжуд. Улардан бири эса ҳозирда дунё давлатларини ташвишга солаётган ва ҳозиргача ечимини топмай келаётган диний экстремизмдир.**

Диний экстремизмнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатлари нафақат бир фуқаро, оила, балки бутун бир халқнинг генофондига салбий таъсир кўрсатишини назарий ва амалий мисоллар орқали намоеън бўлади. Статистик маълумотларга кўра бир йилда дунё бўйича 1 миллион 300-400 мингдан ортиқ инсонлар диний экстремизм жабрдийдасига айланишади. Энг ачинарлиси, бу статистик маълумотларнинг катта қисми ёшларга тенг келгани ҳар бир инсонни, ёшлар билан янада тарбия жараёнини оширишга ундаши, огоҳликни кучайтиришга бор эътиборини қаратиши лозимлигини замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шу муносабат билан Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей залида диний экстремизм ғояларининг олдини олиш бўйича маънавий-маърифий ва профилактик тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни ТТА маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.Бобомуратов кириш сўзи билан очиб, бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қилаётган турли бузғунчи ғояларга қарши, айниқса, диний экстремизм ва унинг салбий оқибатларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, зарур вақтда ана шундай кучларга қарши маърифат илми билан қарши курашиш кераклигини тушунтиришдан иборат эканлигини таъкидлаб, Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам бу борада кўпгина амалий тадбирлар ўтказиб келинаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ИИББ ва ТҚКБ бошлиғи ўринбосари А.Х.Шукуров ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашиб, онг ва тафаккуримиз ўзгариб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида халқимизнинг шахсий, умуммиллий мақсадлар муштарақлигига ҳамда ғоявий бирликка интилиш ҳисси уйғониш асосида бизнинг мустақил юксалиш натижаларимизни кўра олмайдиган, маънавий кадриятларимизни кадрсизлантиришга қаратилган

ғоявий таҳдидлар ҳамон давом этаётганлигини, маданиятсиз ва инсоний хислатларини йўқотган ашаддий жиноятчилар қабих ишга қўл уришлари ҳамда ҳозирги кунларда терроризм янги шакл олиб, энг замонавий қуроллардан фойдаланиш орқали қабих ниятларини амалга ошираётганликлари ҳеч кимга сир эмаслиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси А.Раззоқов ўз маърузаси тақдими билан иштирок этиб, жумладан, янги аср бўсағасида қонли урушлар, ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжага олишлар ўрнига мафкуравий воситалар ва маънавий

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ҒОЯЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

“қурол”лар воситасида одамларнинг тафаккури, онги ва дунёқарашини эгаллашга уринишлар тобора кўзга ташлана бошлаши, бу курашда бошқа





худуд ва халқларни ўзига қарам қилиш учун очиқ кўриш ва сезиш қийин бўлган усул ва воситалар, хусусан, маънавий бузғунчилик услублари қўлланилмоқда деб таъкидлаб ўтди.

Бу курашнинг моҳияти фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилида олиб борилади. Юртимиздаги барқарор ижтимоий-иқтисодий вазият, кучли ижтимоий сиёсат, миллий ғоя негизида мафкуравий тарбия ва маънавий-маърифий тарғибот ишлари, халқимизнинг ўз эътиқодига содиқлик тамойилларини аллақачон аниқ белгилаб олганлигини таъкидлаш лозим.

Тадбир сўнгида талабалар томонидан берилган саволларга мутахассислар тушунарли ва огоҳликка даъват этган ҳолда жавоб бердилар.

Қизгин суҳбатдан сўнг ТТА маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.Бобомуратов тадбир қатнашчиларига миннатдорчилик билдириб, бу каби давра суҳбатларини тез-тез ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмаслигини таъкидлади.

**Гавҳар ҲАЙДАРОВА,**  
ЛОР касалликлари кафедраси ассистенти, т.ф.д



## “ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР” КЎРИК-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамда академия маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини кенг турда тарғиб этиш мақсадида 2017 йил 1 апрель куни Талабалар турар жойи ҳовлисида факультетларaro “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловда даволаш факультетининг “Original”, тиббий-профилактика факультетининг “White star”, тиббий-педагогика факультетининг “Академиклар” жамоалари куч синашишди. Кўрик-танловда жамоалар 3 та шарт бўйича беллашишди: “Янги мавсум, янги марралар” – танишув шарти;

“Миш-мишларга қараганда” – савол-жавоб шарти; “Овозларни созлаймиз” – мусиқий чиқиш шарти. Жуда қизиқарли ва ҳазилларга бой ўтган кўрик-танлов натижасига кўра: Тиббий-профилактика факультетининг “White star” жамоаси 15,3 балл билан 1-ўринни; Тиббий-педагогика факультетининг “Академиклар” жамоаси 14,6 балл билан 2-ўринни; Даволаш факультетининг “Original” жамоаси 14,4 балл билан 3-ўринни эгаллади. Танловда фаол қатнашган талабалар орасидан даволаш факультетининг 1-курс талабаси Моҳинур Худойбердиева “Энг шўх қиз” ва тиббий-педагогика факультетининг



5-курс талабаси Самад Султонов “Энг шўх йигит” номинацияси бўйича мукофотланди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Иштирокчиларга махсус дипломлар ва эсдалик совғалари, ғолиб жамоага эса “Камолот” кубоги топширилди.

И.ОТАЖОНОВ

## РАЙҲОННИНГ ШИФОЛИГИ

**Халқимиз азал-азалдан райҳонни ҳовлининг кўрки, хонадон фазилати сифатида экиб, барги ва гулларида овқатга хуштаъм бағишловчи восита сифатида фойдаланиб келганлар. Барги ва гулларида қуритиб, қиш ойларида ҳам овқатга солишган, чой ўрнида қайнатиб ичишган. Балки, унинг шифобахшлик фазилатларини билишганидан шунчалар эъозлашиб, боғ ва ҳовлиларига экишган, ҳатто қиш ойларида гултувакларда кўкартиришиб, истеъмол қилишган.**

Райҳоннинг мижози биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Унинг шифобахшлик хислатлари: буни ейилса, миядаги тикилмаларни очади, ҳамма аъзолардаги шишларни бартараф қилади, кўкрак ости аъзолари, нафас олишдаги қийинчилик ва йўталга барҳам беради. Агар райҳонни чайнаса ёки суви билан оғизни чайилса, оғиз ичининг ачишишини, уни оғиз пишиши ҳам дейишади, бартараф этади.

Райҳонни сувда бир кеча ивитиб қўйиб, эртаси ўша сув ичилса, баданнинг иссиқ аъзоларини совуққа айлантиради, куч бағишлайди.

Райҳонни ҳидланса, иссиқдан бўлган бош оғриғига, шунингдек, сафар чоғида бош оғриғи пайдо бўлса, оғриқларни босади, вабо иллатини даф этади.

Унинг ҳидидан зарарли жонзотлар қочади.

Уруғи ҳамма мижозлар учун ёқимли бўлиб, ми-

жозда бу мўътадилдир.

Шуни алоҳида огоҳлантирмоқ жоизки, райҳон уруғини туйиб, бошқа шифобахш воситаларга аралаштиришни табиблар ва ҳақимлар мумкин эмас, деб таъкидламышлар. Табобатда унинг танасидан олинган сув ҳам шифо. Лекин райҳонни туйган пайтда ана шу қисм барҳам топади.

“Кифояи мансурий” китобининг муаллифи ва бошқа ҳақимлар райҳон уруғини туйилгани таркибида ман қилувчи ва қабзият ҳосил қилувчи қувват кўплигини таъкидлашган. Унинг туйилганини бодомлар елими билан бирга истеъмол қилинса, ичкетарни тўхтатишга яхши даво бўлади. Шунингдек, сувда қайнатиб, суви ичилса ҳам кетаётган ични тўхтатиб, беморнинг ҳолатини яхшилайдди.

“Шифо хазинаси”дан  
Дилноза НИЗОМОВА,

даволаш факультети 607-гуруҳ талабаси

## АМИР ТЕМУР БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илк кунлардан, кўп асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улғу, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Машхур давлат арбоби, Ўрта асрлар ислохотчиси, саркарда, адолат учун толмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалди. Сиёсий майдонга қадам қўйганида Амир Темур эндигина 24 ёшга кирганди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олганди. Устига устак, Чингизхон авлодлари Мовароуннахрга тез-тез босқин уюштириб турарди.

Тахминан бир аср давом этган бу даврда Мовароуннахрнинг истибод аламини тортган оддий фуқаролардан то йирик сиёсий арбобларигача дин пешволаригача жуда ҳам оғир кун кечирдилар. Жамиятга озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассам этган халоскор, доҳий зарур эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва йўлбошчи сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди. 1370 йилда Амир Темур Балхда бўлиб ўтган қурултойда Мовароуннахрнинг улғу амири деб эълон қилинди. Тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларни ягона давлатга бириктириш Амир Темурнинг асосий мақсади эди. У давлатнинг пойтахти қилиб Сўғдиёнинг қадимий пойтахти бўлган Афросиёб харобалари ёнидаги Самарқандни белгилади ва янги шаҳарга асос солди.

Амир Темур ҳаётлик пайтида давлат бошқаруви ҳақида “Темур тузуқлари” деган номда машхур

бўлган махсус китоб ёзилган эди. Унда бу машхур давлат арбоби ва саркарданинг ҳарбий санъатга, давлат тузилиши ва мамлакатни бошқаришга оид қарашлари акс этди. “Куч адолатда” шиори бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланди. Амир Темур 12-асрда яшаган ислом илоҳиётчиси, шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий даҳосига эҳтиром кўрсатиб, унинг шарафига Туркистон шаҳридаги кичик даҳма устида улғувор мақбара бунёд эттирди. Мақбара бугунги кунда ҳам ўзининг салобати, кўрки ва ажойиб сопол безаклари билан кишини ҳайратлантиради.

Амир Темур ва Темурийлар даврида адабиёт, амалий ва тасвирий санъат ривожланди. Айниқса, исломга қадар мавжуд бўлган деворий монументал расм ва китоб миниатюраси санъати юксалди.

Амир Темур тарихда моҳир дипломат ва давлатлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш тарафдори сифатида чуқур из қолдирди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширди. Соҳибқирон дунёнинг турли мамлакатлари билан алоқалар ўрнатди: бир тарафдан – Хитой, Ҳиндистон, иккинчи тарафдан – Франция, Англия, шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар.

Бугун жаҳоннинг эллиқдан ортиқ мамлакатда темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва Темурийлар даврига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Утган олти юз йил мобайнида Европа тилларида Амир Темурга бағишлаб ёзилган салмоқли асарларнинг



сони 500 га етди, Шарқ тилларида эса 900 дан ошди. Темур ва унинг даврини ўрганишга бағишланган қатор манбалар, китоблар, жумладан, Бўрибой Аҳмедовнинг Амир Темур ҳақидаги катта роман-хроникаси нашр этилди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов фармони билан 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон этилиши ва бу сана ҳақон миқёсида нишонланиши Амир Темур номи оқланиб, ўзбек халқига бутунлай қайтганига ёрқин далилдир.

Жорий йилда 9 апрель куни буюк давлат ва сиёсат арбоби, маънавият ва маданият раҳнамоси Амир Темур Бобомиз таваллуд топган кун. Биз бу санада буюк аждодимизнинг 681 йиллигини кенг нишонладик.

Л.МАҲМУДОВ,  
ижтимоий фанлар кафедраси ассистенти

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАТБИР

Ҳаммамизга маълумки, 2016 йил 30 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашуви бўлиб ўтган эди. Учрашувда, барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришдан мақсад жамият олдига турган долзарб масалаларни илм-фансиз тасаввур этишни имкони бўлмагани боис уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айлангани ҳам бежиз эмас.

Бу борадаги ишлар бугун изчил ва тизимли равишда давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонидан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Мазкур бошланган салмоқли қадамнинг самараси ўлароқ, Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли академик лицей мажлислар залида шифокор, олим, ихтирочи, педагог, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Турғунпўлат Обидович Даминовнинг ТТА талабалари билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини ТТА маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Т.Бобомуратов кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг академик Турғунпўлат Обидович Даминовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тақдирот намойиш этилди.

Турғунпўлат Обидович Даминов 1941 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида, хизматчи оиласида дунёга келди. 1958 йилда ўрта мактабни олтин медалга тамомлаб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Т.Даминов раҳбарлиги остида болалар юқумли касалликларини ўрганиш бўйича 4 та катта йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Биринчи йўналиш – жигарнинг юқумли касалликларини ўрганиш. Ўзбекистон шароитида вирусли гепатитларнинг тарқалганлик даражаси ва фенотиплари кўрсатиб берилди. Олиб борилган илмий ишлар натижасида чўзилувчан ва сурункали вирусли А ва В гепатитларининг ривожланиш механизмлари очиб берилди. Иккинчи йўналиш – ҳаво-томчи йўли билан юқувчи касалликлар, жумладан қизамиқ, тепки, кўк йўтал, гриппнинг кечил хусусиятларини ўрганиш. Учинчи йўналиш – ўткир ичак инфекцияларининг кечил хусусиятлари, диагностикаси ва даволаш чораларини такомиллаштириш. Т. Даминов раҳбарлигида ўткир ичак инфекцияларидаги парҳез такомиллаштирилди. Туртинчи йўналиш – инфектологининг янги йўналишларидан бири бўлган болалардаги ОИВ-инфекциясининг

кечиш хусусиятларини ўрганишда Т.Даминов катта илмий мактаб яратганлар. Уларнинг раҳбарликларида тиббиётнинг турли мутахассисликлари бўйича 40 дан ортиқ фан номзодлари, 18 та фан доктори тайёрланган. Устознинг ғоялари ва илмий йўналишлари ҳозирги кунда унинг кўп сонли шогирдлари ва ёш олимлар томонидан давом эттирилмоқда ва кейинги ривожини топмоқда. Т.Даминовнинг долзарб ва чуқур илмий изланишлари доимий равишда МДҲ ва турли давлатларнинг етакчи олимларини ўзига жалб этган. У кўп мартаба чет давлатларга маъруза ўқишга тақлиф этилди, конгресс ва турли анжуманларда маърузалар қилиб, фаол иштирок этди. Т.Даминов 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 13 монография ва 30 дан ортиқ методик қўлланмалар муаллифи. Т.Даминов раҳбарлиги остида “Юқумли касалликлар” (2 томли), “Умумий амалиёт шифокори амалиётида юқумли касалликлар”, “ОИВ инфекцияси” дарсликлари яратилди. Т.Даминов инсон саломатлигини сақлаш, беморлар дардида шифо топиш, қолаверса, мустақил Ўзбекистоннинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом фуқароларининг умрига умр, ёшига ёш қўшиш каби улғу ишларни амалга оширишни азалдан мақсад қилиб олган. Ҳеч бир хайрли иш ҳукуматимиз эътиборидан қолмайди. Академик Т.Даминов “Дўстлик” ордени ва Альберт Швейцар номидаги Халқаро олтин медали билан, соғлиқни сақлаш тизимида қилган меҳнатлари тақдирланиб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач” унвони билан тақдирланган.




Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Турғунпўлат Обидович Даминов “Эл-юрт ҳурмати” фахрий ордени билан тақдирланди. Т.Даминов бугунги кунда нафақат талаба-ёшларга, балки ёш педагогларга ва шифокорларга ҳам ўз билим ва кўникмаларини ўргатмоқдалар. Нафақат илм-фан соҳасида, балки ҳаёт сабоқлари бўйича ҳам зарур бўлган маслаҳатларни бериб келмоқдалар.

Академик Т.О.Даминовнинг ҳаётини ва ижодий йўли, унинг машхур олим ва ташкилотчилиги билан бир қаторда ҳақиқий инсонлиги, бугунги кунда тиббиёт фанига қадам қўяётган ёш олимлар учун ўрнак бўлиб келмоқда. Яхши ният билан бошланган ишларнинг албатта хайрли тугашини ва бу барчага ибрат бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Академик билан бўлиб ўтган давра суҳбати қизгин ва фаол тарзда давом этар экан, талабаларимиз ўзларини қизқирган бир неча саволлар бериб,

Р.ПОЛВОНОВ,

ТТА маънавият ва маърифат бўлими услубчиси



## 2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИ КУЗГИ СЕМЕСТР НАТИЖАЛАРИ, ЮТУҚ ВА ВАЗИФАЛАР

О.Р. ТЕШАЕВ,

Тошкент Тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректори, т.ф.д., профессор

**Ўзбекистон Республикасида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида олиб бориладиган ислохотларнинг туб мақсади давлат ва жамиятнинг таълим жараёни олдига қўйган буюртмасини, яъни тиббий таълим тизими учун соғлиқни сақлаш тизимига рақобатбардош, илмий салоҳиятга эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлаш, уларга бериладиган таълим-тарбия ва илмий билимлар мазмунини такомиллаштиришга қаратилган.**

Тиббий таълим тизими тузилишидаги кенг қамровли ислохотларни олий таълим муассасаларининг педагоглари илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустақамлашлари зарур. Бунинг учун ўқув жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишда талабаларни илмий тадқиқот ишларига мақсадли йўналтиришга ўргатиш талаб этилади. Бу эса таълим жараёнини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этишда талабаларнинг илмий дунёқаролини шакллантирмай таълим тизимини ислох қилишни ва уни тараққий эттиришни тасаввур қилиб бўлмаслигини кўрсатади.

Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам ўқув жараёнини ташкил этишда илғор педагогик технологияларни қўллаш, талабаларга таълим ва тарбия билан бирга уларни илмий тўғарақларга жалб этиш, фанларга бўлган қизиқишини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Кузги семестр давомида очик дарслар, очик маърузалар, интеграл маърузалар ва муаммоли маърузалар билан бирга илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этишга қаратилган ишлар олиб борилди.

Баждарилган ишлар ва яратилган шарт-шароитлар натижасини баҳолаш мақсадида 2016-2017 ўқув йили кузги семестр натижалари таҳлил қилинди ва бунда бакалаврият ва магистратура талабаларининг ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Семестр натижалари таҳлил қилингандан умумий ижобий ўзгаришлар билан бирга айрим фанлар ва курсларда умумий кўрсаткичдан паст натижалар ҳам кузатилди.

Кузги семестрда академиянинг бакалаврият таълим йўналишларида 3482 талаба, магистратурада 627 талаба, жами – 4109 талаба тахсил олган. Факультетлар кесимида биринчи киришда ўзлаштириш (жадвал 1) кўрсаткичини кўрайдиган бўлсак - даволаш факультети бўйича – 78,3 фоизни, тиббий педагогика факультети – 69,0 фоизни, тиббий профилактика факультетида – 69,8 фоизни, ОМХ факультетида – 88,0 фоизни ва ҳарбий тиббий факультетда 78,8 фоизни ташкил этди. Сифат кўрсаткичлари даволаш факультетида – 46,6 фоизни; тиббий педагогика факультетида – 34,9 фоизни, тиббий профилактика факультетида – 39,8 фоизни; ОМХ факультетида – 65,2 фоизни ва ҳарбий тиб-

бий факультетда 72,2 фоиздан иборат бўлди. Академия бўйича биринчи киришда ўзлаштириш кўрсаткичи 75,8 фоизни, сифат кўрсаткичи эса – 49,7фоизни ташкил этди. (жадвал 1).

Рейтинг Низоми талабларига асосан қайта топширишлардан сўнг ўзлаштириш кўрсаткичи даволаш факультетида 99,8 фоизни, тиббий педагогика факультетида 99,7 фоизни, тиббий профилактика факультетида 99,6 фоизни, ОМХ факультетида 100 фоизни ва ҳарбий тиббий факультетида ҳам 100 фоизни ташкил этди.

2016-2017 ўқув йили сентябрь ойидан буён ҳар хил сабабларга кўра 52 нафар талабаларга талабалар сафидан чиқариш ёки академик таътил бериш бўйича буйруқ чиқарилган. Шулардан 16 нафари бошқа олий таълим муассасасига ўқиши кўчирилган ёки ҳарбий факультетга қабул қилинганлиги учун даволаш факультети талабалари сафидан чиқарилган. 8 нафар талабалар касаллиги, фарзанд кўриши ёки бола парвариши бўйича академик таътил олган. 9 нафари ўз аризасига биноан, 3 таси тўлов-контракт шартларини бажара олмаслиги сабабли, 6 нафари 74 соатдан ортиқ сабабсиз дарс қолдирганлиги учун ва 10 нафари академик қарздорлиги сабабли талабалар сафидан четлатилган.

Академияда баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган ва талабалар билимини объектив баҳолаш бўйича кўпчилик кафедраларда яхши натижаларга эришилмоқда. Бироқ шу билан бирга айрим кафедраларда талабалар билимини баҳолаш талаб даражасида эмас. Баҳолаш турлари орасидаги фарқ ва номувофиқликлар олдинги йилларга қараганда нисбатан камроқ. Бироқ ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари куттилгандан юқори бўлиши, статистик маълумотларга тўғри келмаслик ҳолатлари ҳалигача кўп учрамоқда. Мисол учун даволаш факультетида айрим сифат кўрсаткичи юқори бўлган фанлар жадвалда келтирилган (жадвал 2). Ушбу жадвалдан кўриниб турганидек, талабаларнинг фанлардан ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари 90-95 фоиз доирасида, бу эса ҳақиқатдан узок. Бундай ҳолат ушбу кафедраларда баҳолаш мезонларига эътибор берилмаслиги ёки фан бўйича баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизга кўра сифат кўрсаткичининг асоссиз юқори бўлишига, айрим педагогларнинг масъулиятсизлиги ёки педагогик маҳоратининг етишмаслиги, тест синовларида тест саволларининг меъеридан камлиги, ОСКИ ва ёзма ишларнинг сифатсиз тайёрланиши, баҳолаш мезонларига эътиборсизлик билан қарашлар сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва баҳорги семестрда таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнини намунали ташкил этиш, унда педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

1.Амалий машғулотларнинг сифатини ошириш, янги ўқитиш технологиялари ва шакллари тадбиқ этиш, амалий машғулотларда фанни қизиқарли ва тушунарли қилиб ўтказиш, қисқа вақт ичида кўп маълумот бериш ва уни кўргазмалар тарзда талабага етказиш. Бунинг учун таянч кафедраларда янги ўқитиш усуллари ишлаб чиқиб кейин бошқа кафедраларга кенг тадбиқ этишни йўлга қўйиш лозим.

(Давоми 5-бетда.)

Жадвал 1.  
Факультетлар кесимида ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари

	Даволаш		Тиббий педагогика		Тиббий профилактика		ОМХ		Ҳарбий тиббиёт		Академия бўйича	
	2015-2016	2016-2017	2015-2016	2016-2017	2015-2016	2016-2017	2015-2016	2016-2017	2015-2016	2016-2017	2015-2016	2016-2017
Ўзлаштириш фоизни	64,4	78,3	71,3	69,0	78,7	69,8	75,8	88,0	77,6	78,8	73,5	75,8
Сифат кўрсаткичи фоизни	34,5	46,6	27,8	34,9	33,5	39,8	46,0	65,2	42,0	72,2	36,8	49,7

Жадвал 2.  
Даволаш факультети талабаларининг айрим фанлардан ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари

№	Фанларнинг номи	Курс	Ўзлаштириш кўрсаткичи(фоизни)	Сифат кўрсаткичи (фоизни)
1	Акушерлик	4	100	91,6
2	Урология	4	99,2	100
3	Ички касалликлар	4	98,2	94,9
4	Болалар хирургияси	5	100	96,7
5	Анестезиология ва реаниматология	5	98,7	92,3
6	Реабилитология	6	100	92,9
7	Урология	6	96,2	87,7

## ЁШ ОЛИМЛАР КУНЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларга оид сиёсатнинг изчил амалга оширилиши натижасида кўплаб ёш тадқиқотчиларнинг юзага чиқиши учун катта имкониятлар яратилди. Чунки, олий таълимда интеллектуал, кенг фикрли, бой дунёқарашга эга, ривожланган мутахассислар тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш, илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёш олимлар иқтидорини юзага чиқариш каби эзгу мақсадлар устозлардан катта куч ва шижоатни талаб қилади. Президентимиз фармонлари асосида бундай эзгу мақсадларни амалга ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Тошкент Тиббиёт академиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Аънавага кўра 2017 йил апрель ойида Тошкент Тиббиёт академияси ёш олимларнинг тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференцияси похтаимизнинг "International" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Конференцияда талабалар, магистрлар ва ёш олимлар қатнашдилар. Анжуманда академия профессорлари, Тошкент давлат стоматология институтининг ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этдилар. Мазкур аънавий илмий-амалий анжуман тиббиёт мутахассислари ва бўлажак шифокорларнинг амалий билимларини мукамаллаштириш, илмий ишларини намоёиш этиш, амалий натижаларни таҳлил этиш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Ёш олимлар конференциясида ТТА малака ошириш факультети ички касалликлар №1 кафедраси магистратура кардиология йўналишидаги магистр талабалар ва иқтидорли талабалар ҳам фаол иштирок этдилар. Жумладан, кардиология йўналишидаги магистратура 2-курс талабаси Бехзод Бобоев ўз илмий тадқиқот ишлари натижасини инглиз тилида маъруза қилди. Ёш олимлар конференциясининг давоми бўлган иқтидорли талабалар иштирокида ўтказилган анжуманда кафедранинг тажрибали педагог ўқитувчилари

тайёрлаган бир қатор иқтидорли талабалари Д. Низамова, Р. Фозилжонов, С. Саидмуродов, Ш. Шоисламова, М. Назарова, Н. Ботирова, Ж. Туланбаев фаол иштирок этдилар. Соринли ўринларни 6-курс талабаси Б. Одилов биринчи ўринни (ички касалликлар №1), 5-курс талабаси А. Халикова (клиник фармакология кафедраси) иккинчи ўринни ва 6-курс талабаси И. Назарова (ички касалликлар №2) учинчи ўринни эгалладилар. Ёш олимлар конференцияларида фақатгина талабалар эмас, балки кафедранинг ёш педагоглари ҳам иштирок этдилар. Жумладан, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ташкиллаштирган Республика миқёсидаги илмий-амалий конференциясида ўтказилган ёш олимлар конкурсида кафедранинг ёш педагог ўқитувчиси Ф. Абдумаликова ўз илмий ишлари натижалари билан иштирок этиб, соринли биринчи ўринни эгаллади. Ўтказилган ёш олимлар анжумани талабалар ва ёш олимлар ўз илмий тадқиқот ишларини давом эттириш ва ривожлантириш учун туртки бўлди. Конференция иқтидорли талабалар ва истеъодли ёш олимларни кашф этиш билан бирга, улар яратаётган илмий ғоя ва амалий тақлифларни фан-таълим тизимига изчил татбиқ этиш, уларни ўз тадқиқот натижаларини аудитория олдида мустақил намоёиш эта олишга, илмий натижаларни жамоатчилик олдида муҳокама қилишни такомиллаштирди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ёш олимлар илмий-амалий конференцияда иштирок этган иқтидорли ва салоҳиятли ёшлар Ватанимиз, эл-юртимиз таянчи ва суянчидир, улар ўз билимларини Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилдилар.

М.ЗУБАЙДУЛЛАЕВА,

ТТА малака ошириш факультети Ички касалликлар №1 кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

